



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“IBRA-KROL” МЧЖ директори

Г. Халилов

2022 йил “09” июли

Бюджет маблағи ҳисобидан Хикол зотли гўшт йўналишидаги куёнларни  
сотиб олиш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент – 2022 й.

## МУНДАРИЖА

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.....	3
2. Таъминотчига қўйиладиган талаблар.....	3
3. Етказиб бериш манзили ва вақти.....	4
4. Бошқа шартлар.....	4
5. Хикол зотли куёнлар ва уларнинг сони.....	4

## **1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.**

1.1. Хикол зотли гўшт йўналишидаги қуёнлар ота – она авлодидан бўлишлиги лойиҳани ташкилий – техник тадбирлар мажмуасидир.

1.2. Ота – она авлодидан бўлган Хикол қуён зотлари вирус – геморрогик касалликлари ва миксоматоз касаллигига қарши эмланган бўлишлиги шарт.

1.3. Таъминотчи Хикол зотли қуёнларини етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Таъминотчи шартномада белгиланган тартибда Хикол зотли қуёнларини Буюртмачига сони, сифати ва соғломлигини таъминлаган ҳолда етказиб беради. Қуёнлар орасида носоғломлари аниқланган ҳолда Таъминотчи Буюртмачи билан биргаликда “Нухсон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома носоғлом қуёнларни соғлом қуёнларга алмаштириш учун асос бўлади.

1.3.2. Қуёнлар етказиб берилган кундан бошлаб бир ой муддатдан сўнг қуёнларни носоғломлиги аниқланган ҳолда касал қуёнлар “Нухсон далолатномаси”га киритилмайди. Бундай ҳолатда томонларнинг алоҳида келишувига асосан хизмат кўрсатилади.

## **2. Таъминотчига қўйиладиган талаблар.**

2.1. Қуён боқиш, кўпайтириш ва касалликларга қарши курашиш бўйича юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Қуёнлар етказиб берилгач бир йил давомида малакали ходимлар томонидан керакли маслаҳат ва тажрибалар алмашинувини таъминлаш.

2.3. “Нухсон далолатномаси”га киритилинган қуёнларни соғлом қуёнларга алмаштириш жараёнини ўз ҳисобидан амалга ошириш.

2.4. Қуён боқиш технологиялари Дастурини тайёрлаш ва амалга оширишда кўмаклашиш.

2.5. Наманган вилояти Чуст туманидаги кам таъминланган оилаларни Хикол зотли қуёнларни боқиш ва кўпайтиришда кўникмалар бериш ва ўқитиш дастурларида фаол иштирок этиш.

### **3. Етказиб бериш манзили ва вақти.**

3.1. Буюртмачининг талабларига биноан Таъминотчи Хикол зотли куёнларни Наманган вилоятининг Чуст туманидаги кам таъминланган оилаларга (рўйхат асосида) шартномада кўрсатилинган муддатда етказиб беради.

3.2. Буюртмачи етказиб берилган Хикол зотли куёнларни сифати ва соғломлигини таъминлайди.

3.3. Буюртмачи “Нуҳсон далолатномаси” тузилгач 5 иш куни мобайнида соғлом куёнларни етказиб беришни таъминлайди.

### **4. Бошқа шартлар.**

4.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида фавқулотда вазиятлар ҳолати юз берганда Таъминотчининг ишонч телефони мавжудлигини таъминлаши шарт.


4.2. Таъминотчи хизмат кўрсатишни ташкил етиш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

4.3. Куёнларни вакцинация қилиш жараёнида ва шартномада кўрсатилмаган бошқа жараёнларда Буюртмачи Таъминотчини кўшимча хизматларга жалб қилиши Буюртмачининг ҳисобидан амалга оширилади.

### **5. Хикол зотли куёнлар ва уларнинг сони.**

5.1. Хикол (ота – она авлоди): 838 бош.

Маъмурий ва хўжалик ишлари  
бўйича маъсул ходим



А. Ибрагимов